

## ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ ИМЛОСИ

Опаева Райгул Аймановна,

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти  
Қорақалпоқ тили кафедраси катта ўқитувчиси f.f.f.d (PhD)

Есбергенова Бағдагул

магистратура бўлими 2 босқич магистранти

Қорақалпоқ орфографияси адабий тилнинг ривожланишида, умумхалқ ёзма меъёрларининг шаклланишида катта хизмат қилмоқда. Шундай бўлса да ҳозирги орфографияда ҳалигача баъзи ноаниқликлар учраб туради.

Бизнингча, қўшма сўзлар имлосида максимал ажратиб ёзиш принципига асосланиш ҳам тўғри бўлмаса керак. Қўшма сўзлар имлосида «максимал ажратиб ёзиш» ёки «максимал қўшиб ёзиш» керак деган фикрда қоладиган бўлсак агар, бундай ташаббусни ёки фикрни мутлоқ тўғри дейиш нотўғри. Қўшма сўзлар имлосида «максимал ажратиб ёзиш» ёки «максимал қўшиб ёзиш» каби қоидаларига амал қилганимизда эди, биз қўшма сўзлар имлосини осонгина ҳал қилинган бўлар эди. Бундай умумий «принциплардан» бирига асосланиш жорий этилгани билан, амалда уни изчиллик билан тадбиқ этиб бўлмайди.

Қўшма сўзларни максимал қўшиб ёзиш принципи қанчалик чалкашлик тўғдирса, максимал ажратиб ёзиш принципига асосланганда ҳам чалкашлик ундан кам бўлмайди.<sup>1</sup>

Қўшма сўзлар имлоси лингвистикада ҳали тўла ҳал этилмаган масалалардан биридир. Қорақалпоқ тилида қўшма сўзларнинг имлосини унификациялаш даражасига эришиш учун энг аввало, қўшма сўзни сўз бирикмасидан ажратиб олишимиз керак. Қўшма сўзлар сўз бирикмаларидан фарқланувчи формал белгига эга эмаслиги ҳам ўз навбатида имлода қатор чалкашликларни келтириб чиқаради.

Масалан, қўшиб ёзиладиган қўшма отлар ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ асос ёки асосларнинг бир қанча вақт бирга қўлланилиб, ўзаро зич боғланишидан шаклланади. Қўшиб ёзиладиган қўшма сўз компонентлари маъносидан фарқли равишда янги маънони англатади. Унинг компонентлари дастлабки маъноларини ўзгартириб ёки йуқотган ҳолда бўлади. Шу боис баъзиларининг компонентлари фонетик жиҳатдан ўзгаришларга учраб, олдинги шаклларини йуқотади.

Қорақалпоқ тилидаги қўшиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг кўп қисми эрта даврларда шаклланган бўлиб, улар ҳозир ҳам ясаиш имкониятига эга.

Қўшма сўзлар куйидаги ҳолларда қўшилиб ёзилади:

1. Икки ёки бир нечта асослардан таркиб топган қўшма сўзларнинг биронтаси ёки иккаласи ҳам фонетик жиҳатдан ўзгаришга ўчраса, бундай ҳолларда қўшилиб ёзилади: *бўгин, быйыл, билезик, қолган, шегара, жарғанат* ва ҳоказо.

2. Икки ва унданда ортиқ сўзларнинг қўшилишидан ясалган атоқли отлар бирга ёзилади:

а) одам исмлари: *Айтжан, Алламберген, Турдымурат, Сейткамал, Ултуўған, Багдагул, Бийбайша* ва ҳоказо.;

б) бир нечта сўзларнинг қўшилишидан тузилган шаҳар, ер, сув( дарьё, кўл, ўзак, ) атамаларини билдирадиган атоқли қўшма отлар бош ҳарф билан бошланиб қўшилиб ёзилади: *Қоңырат, Қанлыкөл, Қараөзек, Тахтакөпир, Бестөбе, Тақиятас, Қазақдэрья, Ақдэрья, Қаратаў, Қаттыағар, Елликқала, Қырыққыз, Қойқырылғанқала, Қараой, Теңгешашқан, Боқайқум, Қарабуға, Шоқтораңғыл* т.б.

3. Икки сўздан таркиб топиб, бир маънони англатадиган қўшма сўзлар( ҳайвонларнинг, кўшларнинг, балиқларнинг ва бошқа ўсимликларнинг турларини билдирадиган умумий отлар ва осмон таналарининг атоқли отлари қўшилиб ёзилади: *жолбарыс, дэўсебен, тасбақа, алабуға (балық), тўйетаўық, шайтантаўық, аққутан* ва ҳоказо.

### **Адабиётлар руйхати:**

Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент., 1963.

---

<sup>ii</sup> А.Ҳожиёв. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар., 115 –бет Т.1963